**XALQ DEPUTATLARI O’ZBEKISTON TUMANI KENGASHI**
**QARORI**

2021 йил «30» декабрь VI-42-70-11-161-K/21 Ўзбекистон туман ҳокимлиги

# Ўзбекистон тумани бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни кўриб чиқиш (белгилаш) ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли Фармони 4-бандига мувофиқ туман молия бўлими ва давлат солиқ инспекциясининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” лойиҳаси бўйича киритган таклифлари муҳокама этиб, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси хулосасини инобатга олиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

**1.** Фарғона вилоят Молия бошқармаси ҳамда Давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш тўғрисида”ги 01/02/33/731-сонли ва 15-63189-сонли қўшма хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасида

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилаши, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари, ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ ставкаларига, Тошкент шаҳри учун эса - ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

**3.** Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси йиғилишида вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда молия ва солиқ органлари вакиллари томонидан таклиф этилган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар доимий комиссия аъзолари томонидан ҳудуд манфаатларидан келиб чиқиб, таҳлил қилинганлиги, бу бўйича доимий комиссиянинг тегишли баёни расмийлаштирилганлиги инобатга олинсин.

**4.**“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини кўриб чиқиш (белгилаш) бўйича халқ депутатлари Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси таклифи маъқуллансин.

**5.** Фарғона вилоят Молия бошқармаси ҳамда Давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 01/02/33/731-сонли ва 15-63189-қўшма хатида қуйидагилар,

Ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2022 йилда 1,07 бараварга

индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Ўзбекистон туман учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 29,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 260,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги; келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

**6.** “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини белгилаш бўйича Фарғона вилоят Молия бошқармаси ҳамда Давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 01/02/33/731-сонли ва 15-63189- қўшма хатлари маъқуллансин.

**7.** Қуйидагилар:

- Ўзбекистон тумани худудида, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коеффициент

1-иловага;

- Ўзбекистон тумани худудида, жисмоний шахслар бўйича (дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коеффициент 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**8.** Халқ депутатлари тууамн Кенгаши кейинги солиқ даври учун солиқ ставкаларини жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар туман Давлат солиқ инспекциясига тақдим этсин.

**9.** Туман Давлат солиқ инспекцияси (У.Фозилов) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини 1 январга қадар барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиш чораларини кўриб борсин.

**10.** Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Сатторов тумандаги тегишли ваколатли органлар билан биргаликда мазкур Кенгаш қарори билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан ўрнатилган тартибда мониторинглар ўтказиб борсин.

**11.** Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунига асосан мазкур Кенгаш қарори билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатсин.

**12.** Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Жабборов), мазкур Кенгаш қарори билан тасдиқланган (белгиланган) базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентлар ҳокимликнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирсин.

**13.** Белгилансинки, ушбу солиқ ставкалари халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича ўтказилган муҳокамалар натижалари ва бу бўйича қабул қилинган қарор асосида амалиётга киритилади.

**14.** Мазкур Кенгаш қарори ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг "Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича" доимий комиссияси раиси А.Азамов ҳамда туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Сатторов зиммасига юклансин.

**15**. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Туман ҳокими** **Ш.Юлдашев**

Халқ депутатлари Ўзбекистон
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-70-11-161-K/21-сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

| | | | | **минг сўмда** |
|---|---|---|---|---|
| **Т/р** | **Шаҳар ва туман номи** | **МФЙ лар номи** | **Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)** | **Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун )** |
| 1 | Ўзбекистон т | А.Жомий | 1,10 | 31 900 |
| 2 | Ўзбекистон т | Авғон | 0,80 | 23 200 |
| 3 | Ўзбекистон т | Бегобод | 1,00 | 29 000 |
| 4 | Ўзбекистон т | Беруний | 1,10 | 31 900 |
| 5 | Ўзбекистон т | Боғи Эрам | 1,10 | 31 900 |
| 6 | Ўзбекистон т | Бозор Яйпан | 1,10 | 31 900 |
| 7 | Ўзбекистон т | Бузуқўрғон | 0,80 | 23 200 |
| 8 | Ўзбекистон т | Бўстон | 0,80 | 23 200 |
| 9 | Ўзбекистон т | Давлатботир | 0,80 | 23 200 |
| 10 | Ўзбекистон т | Дарвешобод | 0,90 | 26 100 |
| 11 | Ўзбекистон т | Даханақақир | 0,90 | 26 100 |
| 12 | Ўзбекистон т | Дашт Чўлпон | 0,90 | 26 100 |
| 13 | Ўзбекистон т | Дехқонобод | 0,90 | 26 100 |
| 14 | Ўзбекистон т | Дўнгсарой | 0,90 | 26 100 |
| 15 | Ўзбекистон т | Дўстлик | 0,80 | 23 200 |
| 16 | Ўзбекистон т | Жонобод | 0,80 | 23 200 |
| 17 | Ўзбекистон т | Зиё Нурсух | 0,90 | 26 100 |
| 18 | Ўзбекистон т | Зинаша | 0,80 | 23 200 |
| 19 | Ўзбекистон т | Ислом | 0,90 | 26 100 |
| 20 | Ўзбекистон т | Каримдевона | 0,90 | 26 100 |
| 21 | Ўзбекистон т | Катта Қайнар | 0,80 | 23 200 |
| 22 | Ўзбекистон т | Катта Оқмачит | 0,90 | 26 100 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 23 | Ўзбекистон т | Катта Тагоб | 0,70 | 20 300 |
| 24 | Ўзбекистон т | Кичик Оқмачит | 1,00 | 29 000 |
| 25 | Ўзбекистон т | Кичик Тагоб | 0,70 | 20 300 |
| 26 | Ўзбекистон т | Кўл Элаш | 0,90 | 26 100 |
| 27 | Ўзбекистон т | Қайқуобод | 0,90 | 26 100 |
| 28 | Ўзбекистон т | Қайнар | 0,90 | 26 100 |
| 29 | Ўзбекистон т | Қайнарбулоқ | 0,90 | 26 100 |
| 30 | Ўзбекистон т | Қатағон | 0,80 | 23 200 |
| 31 | Ўзбекистон т | Қирққетмон | 0,80 | 23 200 |
| 32 | Ўзбекистон т | Қораёзбобо | 0,80 | 23 200 |
| 33 | Ўзбекистон т | Қоратепа | 0,90 | 26 100 |
| 34 | Ўзбекистон т | Қудаш | 0,90 | 26 100 |
| 35 | Ўзбекистон т | Қулибек | 0,90 | 26 100 |
| 36 | Ўзбекистон т | Қум | 0,90 | 26 100 |
| 37 | Ўзбекистон т | Қумбости | 0,90 | 26 100 |
| 38 | Ўзбекистон т | Қўрғонча | 0,90 | 26 100 |
| 39 | Ўзбекистон т | Қушқўнок | 1,00 | 29 000 |
| 40 | Ўзбекистон т | Мингтут | 0,90 | 26 100 |
| 41 | Ўзбекистон т | Мой Муборак | 0,90 | 26 100 |
| 42 | Ўзбекистон т | Навбахор | 1,00 | 29 000 |
| 43 | Ўзбекистон т | Наймансой | 0,90 | 26 100 |
| 44 | Ўзбекистон т | Намуна | 1,00 | 29 000 |
| 45 | Ўзбекистон т | Нурафшон | 0,90 | 26 100 |
| 46 | Ўзбекистон т | Нурли Келажак | 0,90 | 26 100 |
| 47 | Ўзбекистон т | Нурсух | 0,90 | 26 100 |
| 48 | Ўзбекистон т | Обод Қишлоқ | 0,90 | 26 100 |
| 49 | Ўзбекистон т | Ойимча Қақир | 0,90 | 26 100 |
| 50 | Ўзбекистон т | Оқтепа | 1,10 | 31 900 |
| 51 | Ўзбекистон т | Олмазор | 1,00 | 29 000 |
| 52 | Ўзбекистон т | Охта Тагоб | 0,80 | 23 200 |
| 53 | Ўзбекистон т | Пастки Қўриқ | 1,10 | 31 900 |
| 54 | Ўзбекистон т | Ражабгарди | 0,70 | 20 300 |
| 55 | Ўзбекистон т | Сочтепа | 1,00 | 29 000 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 56 | Ўзбекистон т | Тинчлик | 0,90 | 26 100 |
| 57 | Ўзбекистон т | Туркистон | 1,10 | 31 900 |
| 58 | Ўзбекистон т | Туюл | 1,00 | 29 000 |
| 59 | Ўзбекистон т | Ўқчи | 0,80 | 23 200 |
| 60 | Ўзбекистон т | Ўқчи Дашт | 0,80 | 23 200 |
| 61 | Ўзбекистон т | Ўқчи Туман | 0,80 | 23 200 |
| 62 | Ўзбекистон т | Ўрта Қишлоқ | 0,80 | 23 200 |
| 63 | Ўзбекистон т | Учбўлак | 0,80 | 23 200 |
| 64 | Ўзбекистон т | Фаровон Келажак | 0,90 | 26 100 |
| 65 | Ўзбекистон т | Хайдаробод | 0,80 | 23 200 |
| 66 | Ўзбекистон т | Хотамтой | 0,70 | 20 300 |
| 67 | Ўзбекистон т | Шакаробод | 0,90 | 26 100 |
| 68 | Ўзбекистон т | Шодлик | 0,90 | 26 100 |
| 69 | Ўзбекистон т | Шўр Қишлоқ | 0,80 | 23 200 |
| 70 | Ўзбекистон т | Шўрсув | 0,80 | 23 200 |
| 71 | Ўзбекистон т | Элчи | 1,00 | 29 000 |
| 72 | Ўзбекистон т | Эски Яйпан | 1,10 | 31 900 |
| 73 | Ўзбекистон т | Яйпан Гузар | 1,10 | 31 900 |
| 74 | Ўзбекистон т | Яккатут | 1,00 | 29 000 |
| 75 | Ўзбекистон т | Янги Хаёт | 0,80 | 23 200 |

Халқ депутатлари Ўзбекистон
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-70-11-161-К/21-сон қарорига
2-илова

**Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

| | | | | **сўмда** |
|---|---|---|---|---|
| **Т/р** | **Шаҳар ва туман номи** | **МФЙ лар номи** | **Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)** | **Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 кв учун)** |
| 1 | Ўзбекистон т | А.Жомий | 1,00 | 260,0 |
| 2 | Ўзбекистон т | Авғон | 1,00 | 260,0 |
| 3 | Ўзбекистон т | Бегобод | 0,70 | 182,0 |
| 4 | Ўзбекистон т | Беруний | 1,00 | 260,0 |
| 5 | Ўзбекистон т | Боғи Эрам | 1,00 | 260,0 |
| 6 | Ўзбекистон т | Бозор Яйпан | 1,00 | 260,0 |
| 7 | Ўзбекистон т | Бузуқўрғон | 0,90 | 234,0 |
| 8 | Ўзбекистон т | Бўстон | 0,90 | 234,0 |
| 9 | Ўзбекистон т | Давлатботир | 0,90 | 234,0 |
| 10 | Ўзбекистон т | Дарвешобод | 0,90 | 234,0 |
| 11 | Ўзбекистон т | Даханақақир | 0,90 | 234,0 |
| 12 | Ўзбекистон т | Дашт Чўлпон | 0,90 | 234,0 |
| 13 | Ўзбекистон т | Деҳқонобод | 0,90 | 234,0 |
| 14 | Ўзбекистон т | Дўнгсарой | 0,90 | 234,0 |
| 15 | Ўзбекистон т | Дўстлик | 1,00 | 260,0 |
| 16 | Ўзбекистон т | Жонобод | 0,90 | 234,0 |
| 17 | Ўзбекистон т | Зиё Нурсух | 0,90 | 234,0 |
| 18 | Ўзбекистон т | Зинаша | 0,90 | 234,0 |
| 19 | Ўзбекистон т | Ислом | 0,90 | 234,0 |
| 20 | Ўзбекистон т | Каримдевона | 0,90 | 234,0 |
| 21 | Ўзбекистон т | Катта Қайнар | 0,90 | 234,0 |
| 22 | Ўзбекистон т | Катта Тагоб | 0,90 | 234,0 |
| 23 | Ўзбекистон т | Кичик Оқмачит | 0,90 | 234,0 |
| 24 | Ўзбекистон т | Кичик Тагоб | 0,70 | 182,0 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 25 | Ўзбекистон т | Кораёзбобо | 0,90 | 234,0 |
| 26 | Ўзбекистон т | Кўл Элаш | 0,90 | 234,0 |
| 27 | Ўзбекистон т | Қайқуобод | 0,90 | 234,0 |
| 28 | Ўзбекистон т | Қайнар | 0,90 | 234,0 |
| 29 | Ўзбекистон т | Қайнарбулоқ | 1,00 | 260,0 |
| 30 | Ўзбекистон т | Қатағон | 0,90 | 234,0 |
| 31 | Ўзбекистон т | Қирқкетмон | 0,90 | 234,0 |
| 32 | Ўзбекистон т | Қоратепа | 0,90 | 234,0 |
| 33 | Ўзбекистон т | Қудаш | 0,90 | 234,0 |
| 34 | Ўзбекистон т | Қулибек | 0,90 | 234,0 |
| 35 | Ўзбекистон т | Қум | 0,90 | 234,0 |
| 36 | Ўзбекистон т | Қумбости | 0,90 | 234,0 |
| 37 | Ўзбекистон т | Қўрғонча | 0,90 | 234,0 |
| 38 | Ўзбекистон т | Қушқўноқ | 0,90 | 234,0 |
| 39 | Ўзбекистон т | Мингтут | 1,00 | 260,0 |
| 40 | Ўзбекистон т | Мой Муборак | 1,00 | 260,0 |
| 41 | Ўзбекистон т | Навбахор | 1,00 | 260,0 |
| 42 | Ўзбекистон т | Наймансой | 1,00 | 260,0 |
| 43 | Ўзбекистон т | Намуна | 0,90 | 234,0 |
| 44 | Ўзбекистон т | Нурафшон | 0,90 | 234,0 |
| 45 | Ўзбекистон т | Нурли Келажак | 0,90 | 234,0 |
| 46 | Ўзбекистон т | Нурсух | 1,00 | 260,0 |
| 47 | Ўзбекистон т | Обод Қишлоқ | 0,90 | 234,0 |
| 48 | Ўзбекистон т | Ойимча Қақир | 0,90 | 234,0 |
| 49 | Ўзбекистон т | Оқмачит | 0,90 | 234,0 |
| 50 | Ўзбекистон т | Оқтепа | 0,90 | 234,0 |
| 51 | Ўзбекистон т | Олмазор | 0,90 | 234,0 |
| 52 | Ўзбекистон т | Охта Тагоб | 0,90 | 234,0 |
| 53 | Ўзбекистон т | Пастки Қўриқ | 1,00 | 260,0 |
| 54 | Ўзбекистон т | Ражабгарди | 1,00 | 260,0 |
| 55 | Ўзбекистон т | Сочтепа | 0,90 | 234,0 |
| 56 | Ўзбекистон т | Тинчлик | 1,00 | 260,0 |
| 57 | Ўзбекистон т | Туркистон | 1,00 | 260,0 |
| 58 | Ўзбекистон т | Туюл | 0,90 | 234,0 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 59 | Ўзбекистон т | Ўқчи | 0,90 | 234,0 |
| 60 | Ўзбекистон т | Ўқчи Дашт | 0,90 | 234,0 |
| 61 | Ўзбекистон т | Ўқчи Туман | 0,90 | 234,0 |
| 62 | Ўзбекистон т | Ўрта Қишлоқ | 0,90 | 234,0 |
| 63 | Ўзбекистон т | Учбўлак | 0,90 | 234,0 |
| 64 | Ўзбекистон т | Фаровон Келажак | 1,00 | 260,0 |
| 65 | Ўзбекистон т | Хайдаробод | 0,70 | 182,0 |
| 66 | Ўзбекистон т | Хотамтой | 0,70 | 182,0 |
| 67 | Ўзбекистон т | Шакаробод | 0,90 | 234,0 |
| 68 | Ўзбекистон т | Шодлик | 0,90 | 234,0 |
| 69 | Ўзбекистон т | Шўр Қишлоқ | 0,90 | 234,0 |
| 70 | Ўзбекистон т | Шўрсув | 0,70 | 182,0 |
| 71 | Ўзбекистон т | Элчи | 0,90 | 234,0 |
| 72 | Ўзбекистон т | Эски Яйпан | 0,90 | 234,0 |
| 73 | Ўзбекистон т | Яйпан Гузар | 0,90 | 234,0 |
| 74 | Ўзбекистон т | Яккатут | 0,90 | 234,0 |
| 75 | Ўзбекистон т | Янги Хаёт | 0,90 | 234,0 |